

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил февраль ойининг 28 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Турғунов, судья ёрдамчиси А.Анваржоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Қодиров, судланувчи [REDACTED], унинг ҳимоячиси – Ш.Эргашев ва жабрланувчи Р.Файзиловнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-1008-2503/128-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] – 16.02.2002 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Буюк келажак МФЙ, Холчан кўчаси, 62-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни тафтиш қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED], алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил июнь ойининг бошларида Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-Қамиш 1/4 даҳасида жойлашган “Navas” номли супермаркет олдида жабрланувчи Файзилов Равшанходжа Анваровичга Renessans таълим университетидаги бир йиллик тўлов контракти бўйича қарздорликни тўлаб беришини ваъда қилиб ишончига кирган ва Р.Файзиловдан 9.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2024 йил июнь ойининг бошларида Олмазор тумани, Қора-Қамиш 1/4 даҳасида жойлашган “Navas” номли супермаркет олдида жабрланувчи Р.Файзилов билан учрашиб, унга Renessans таълим университетидаги бир йиллик тўлов контракти бўйича қарздорликни тўлаб беришини ваъда қилганлигини ва Р.Файзилов унга ишонганлигини, сўнгра, 9.000.000 сўм пулларни олиб, контракти тўламасдан шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб



юборганлигини, ҳозирда етказилган зарарни қоплаганлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашни ва қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи [REDACTED] айбига иқдорлик билдирган бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Р.Файзилов дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни судланувчи [REDACTED] билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Самарканд дарвозада жойлашган “Renessans talim universiteti” 3-босқичида бирга ўқиганлигини, ўқишни кўчириб келганлиги сабабли Университет ички тартибни унчалик тушунмаганлигини, 2024 йил июнь ойининг бошларида Олмазор тумани, Қора-Қамиш 1/4 даҳасида жойлашган “Navas” номли супермаркет олдида [REDACTED] унга Renessans таълим университетидаги бир йиллик тўлов контракти бўйича қарздорлиги борлигини, ўша пулни берса бориб ўрнига тўлаб қўйишни айтганлигини, шундан Университет тартиби шунақа бўлса керак деб ўйлаб 9.000.000 пулни [REDACTED] га берганлигини, лекин [REDACTED] контракт пулларини тўламаганлигини билганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган зарар қоплаб берилганлигини, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини унга енгиллик беришни сўраб сўрсатув берди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва судга келмаган гувоҳ Б.Бозоров ва Н.Баракаевларнинг дастлабки тергов давридаги ўқиб эшиттирилган кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95 ва 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқиб, судланувчи [REDACTED] нинг содир этган фирибгарликда ифодаланган жиноятдаги айби жиноят ишидаги қонуний чора кўриш ҳақидаги ариза, тушунтириш хатлари, нарсани ихтиёрий тақдим қилиш ва кўздан кечириш баённомаси, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси, таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси, экспертиза хулосаси, сўзлашувларни эшитиб кўриш ва стенограмма қилиш баённомаси, юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Баён этилганларга кўра, судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилишида ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, суд дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи Д.Нормаатовга ушбу эпизод бўйича ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми, яъни пора беришга, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки



фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга ҳилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишга далолат қилишда ифодаланган жиноят белгилари билан ортиқча айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги **“Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 17-сонли қарори 24-бандида “мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим”;

3-хатбошида “агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиниб, кўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди” деб амалий тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов даврида ва судда аниқланган далилларга кўра, жумладан, судда сўроқ қилинган жабрланувчи Р.Файзилов, гувоҳ Б.Бозоровлар ўз кўрсатувларида [REDACTED] бирон кимга пора беришини айтмаганлигини, у Р.Файзиловни контракт пулларини тўлаб қўйишини ваъда қилганлиги, судланувчи [REDACTED] ҳеч кимни пора беришга далолат қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатувларини тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 2-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни баргараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасининг 2-қисмида ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Суд, юқорида аниқланган иш ҳолатлари, тўпланган далиллар, Пленум қарори тушунтиришлари ва Қонун талабларини ҳамда судланувчи Д.Нормамаатов муайян ҳуқуқ берадиган ҳаракатни амалга ошириш учун аслида мансаб ваколати йўқлигини, масъулияти чекланган жамиятни аслида



тугатишни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган шахс эканлигини, бундан ташқари, жабрланувчидан мансабдор шахсга бериш учун пул сўрамаганлиги, жабрланувчини контракт пуллари тўлаб қўйишини ваъда қилганлиги, мансабдор шахсга пора сифатида бериш нияти ҳам бўлмаганлиги ва бу ҳақида жабрланувчига маълум қилмаганлиги аниқланди.

Шу сабабли, суд, суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, айбловнинг пора беришга далолат қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш юзасидан судланувчи [REDACTED]нинг ҳаракатларида ушбу жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли судланувчи [REDACTED]ни ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбсиз деб топиб, реабилитация этишни ҳамда жиноят ишининг шу қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси 1-хатбошисида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши белгиланган.

Суд, юқоридаги иш ҳолатларини, Пленум қарори тушунтиришлари ва қонун талабларини, шунингдек, судланувчи [REDACTED]ни айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, ёшлигини, талаба эканлигини, иш бўйича зарарнинг ўрни бартараф этилганини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, суд унинг шахси ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган деб эътироф этади ва уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган тилхат, СМС ёзишмалари акс этган фото суратни жиноят ишида сақлаш учун қолдиришни топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460:463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд



**х у к м      қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод этилсин.

га нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган тилхат, СМС ёзишмалари акс этган фото сурат жиноят ишида сақлансин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

имзо

**А.Турғунов**

Нусхаси аслига тўғри, судья:

